



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI  
DAVLAT TEST MARKAZI DIREKTORINING  
BUYRUG'I**

**Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама  
белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
низомага ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаларининг қўшимча тўловлар белгиланган педагог ходимлари лавозимлари рўйхати, мазкур тўловларнинг турлари ва миқдорларининг 3-бандига асосан **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2013 йил 10 октябрдаги 01-339-сон буйруғи (рўйхат рақами 2520, 2013 йил 31 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 44-сон, 582-модда) билан тасдиқланган Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор



М.Каримов

Тошкент ш.,  
2019 йил “ 16 ” декабрь,  
01-695 -сон



Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат тест маркази директорининг  
2019 йил 16 декабрдаги  
01-695-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик  
устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

1. 1-банднинг учинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат тест маркази томонидан бериладиган Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги малака сертификати бўйича C1 даражасига, IELTS (International English Language Testing System) сертификати бўйича 7,0 балл ва ундан юқори баллга, TOEFL (Test of English as a Foreign Language) (IBT) сертификати бўйича 95 балл ва ундан юқори баллга, Давлат тест маркази ва Британия Кенгаши томонидан ўтказиладиган “APTIS for teachers” тестларидан C даражасига, Test DaF (Test Deutsch als Fremdsprache für ausländische Studienbewerber), GOETHE-ZERTIFIKAT, DALF (Diplôme approfondi de langue française), DELE (Diplomas de Español como Lengua Extranjera) сертификатлари бўйича C1 даражасига эга бўлган ўқитувчилар мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддати давомида тест синовидан ўтишлари талаб этилмайди.”.

2. 20-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялар бўлимларидан ихтиёрий бири бўйича белгиланган максимал баллнинг 50 фоизидан кам балл тўплаган ўқитувчининг ёзма иши текширилмайди, ёзма иши текширилмаган ёки ёзиш бўлими бўйича белгиланган максимал баллнинг 60 фоизидан кам балл тўплаган ўқитувчи тест синовининг 2-босқичига қўйилмайди.”.

3. 30-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“30. Тест синовларининг тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялар бўлимларининг ҳар биридан белгиланган максимал баллнинг камида 50 фоизини, гапириш ва ёзиш бўлимларининг ҳар биридан белгиланган максимал баллнинг камида 60 фоизини тўплаган ўқитувчилар тест синовларидан муваффақиятли ўтган деб ҳисобланади.

Ўқитувчининг Давлат тест маркази томонидан бериладиган Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги малака сертификати бўйича C1 даражасига, IELTS (International English Language Testing System) сертификати бўйича 7,0 балл ва ундан юқори баллга, TOEFL (Test of English as a Foreign Language) (IBT) сертификати бўйича 95 балл ва ундан юқори баллга, Давлат тест маркази ва Британия Кенгаши томонидан ўтказиладиган “APTIS for teachers” тестларидан C даражасига, Test DaF (Test Deutsch als Fremdsprache für ausländische Studienbewerber), GOETHE-ZERTIFIKAT, DALF (Diplôme approfondi de langue française), DELE (Diplomas

de Español como Lengua Extranjera) сертификатлари бўйича С1 даражасига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжати Чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича тест синовидан ўтганлик ҳақида маълумотнома ўрнида қабул қилинади.”.

4. 33-банддаги “энг кам ойлик иш ҳақининг” деган сўзлар “базавий ҳисоблаш миқдорининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.





Келишилган

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

2019 йил “ 16 ” декабрь

**И.Маджидов**

**Халқ таълими вазири**

2019 йил “ 16 ” декабрь

**Ш.Шерматов**

**Молия вазири**

2019 йил “ 16 ” декабрь

**Д.Кучкаров**

**Иқтисодиёт ва саноат вазири**

2019 йил “ 16 ” декабрь

**Б.Ходжаев**

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазири**

2019 йил “ 16 ” декабрь

**Н.Хусанов**

